

Паст овозда, танҳо ва қалбан дуо қилинг!



18:00 / 23.05.2021 4728

Ҳаётингиздаги энг қийин ва машаққатли онларда, Аллоҳга дуо қилиш эҳтиёжи янада кучайганда, дуо қилиш учун қандай шароит ихтиёр қилганингизни эслай оласизми? Ҳойнаҳой, оқшом бошингизни ёстиққа қўйиб юлдузли осмонга тикилган кўйи унинг чексиз-чегарасиз эканлигини тафаккур қилган ҳолда ёки Аллоҳ билан юзма-юз қолиш имкони бўлган сокин, кимсасиз бир жойни танлаган бўлсангиз керак. Ибодат асносида маънавий ҳузур, асосан ёлғиз қолганда, ҳеч ким билмаган вақтда, Аллоҳ билан танҳо, юзма-юз бўлганда сезилади. Хато ва гуноҳлари учун мағфират, эҳтиёжларининг қондирилиши учун дуо қилаётган инсон, албатта ёлғиз ҳолда дуо қилишни танлайди. Бунга бир мисол Закариё алайҳиссаломнинг дуосидир. Қуръон каримда унинг Аллоҳдан наслини давом эттирадиган ворис истаб яширинча қилган дуоси шундай баён қилинган:

«У Роббига махфий нидо қилган чоғини эсла. У: «Эй Роббим, менинг суякларим мўртлашди, бошга оқ туташди, эй Роббим, сенга дуо қилишга бадбахт бўлмаганман» (Марям, 3-4-оятлар).

Дуонинг қабул бўлиш сабабларидан бири Аллоҳга юзланувчининг кучли, ҳамма нарсага қодир, ҳамма нарсдан огоҳ Зот қаршисида ўзини паст тутиб, илтижо қилишдир. Зотан, самимий мўмин хоҳ дуо, хоҳ намоз, хоҳ рўза, хоҳ бошқа ибодат бўлсин ўзини Аллоҳнинг олдида ожиз, ҳақир санаб У Зотга қўрқув ва умид билан дуо қилади. Қуръон каримда мўминларга дуо қилиш одоби тўғрисида қуйидаги тарзда таълим берилган:

«Роббингизга тазарруъ ила махфий дуо қилинг. Зотан, У ҳаддан ошгувчиларни севмас» (Аъроф, 55-оят).

«Роббингни эртаю кеч ичингда тазарруъ-ла, қўрқиб, овоз чиқариб гапирмай зикр қил ва ғофиллардан бўлма. Роббинг ҳузуридагилар, албатта, Унинг ибодатидан мутакаббирлик қилмаслар...» (Аъроф, 205-206-оятлар).

Қуръон каримда дуони ёлғиз, махфий ва тазарруъ билан қилишга эътибор қаратилган. Шу сабабли дуо қилувчи овозини баланд қилиши, атрофида кўп одамларни жамлаши муҳим эмас. Шунинг унутмаслик керакки, дуода овозни баландлаштириш унинг қабулини осонлаштирамайди. Биз дуо қилаётган Роббимиз қалбимиздан ўтган туйғуларни билган, ҳамма нарсадан огоҳ ва бизга жон томирларимиздан ҳам яқиндир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

«Албатта, инсонни Биз яратганмиз ва унинг нафси нимани васваса қилишини ҳам билурмиз. Ва Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз» (Қоф, 16-оят).

Яратувчимизнинг бизларга шунчалик яқинлигини билиб туриб овозимизни беҳуда баландлатишнинг ҳожати йўқ. Инсон қалбан дуо қилиш билан бирга фақат ўзи эшитадиган овоз билан ҳам дуо қилиши мумкин. Қуръон каримда хоҳ ибодат чоғида, хоҳ ҳаётининг ҳар онида овозини меъёрда қилиш лозимлиги оятларда қуйидагича билдирилган:

«Юришда мўътадил бўл ва овозингни пасайтир. Чунки, овозларнинг энг ёмони эшакнинг овозидир» (Луқмон, 19-оят).

«Сен: «Аллоҳга дуо қилинглар, Роҳманга дуо қилинглар, қайсисига дуо қилсангиз ҳам, бари бир. Гўзал исмлар Уникидир», деб айт. Намозингни жуда баланд овоз ила ўқима, уни жуда махфий ҳам ўқима, бунинг орасида бир йўл тут» (Исро,110-оят).

Кўриб турганимиздек Қуръон каримда таълим берилган ибодат намунаси кўз-кўз қилишдан узоқ. Бошқалар кўрсин ёки эшитсин деб қилинмайди. Фақат Аллоҳ олдидаги бурчини гўзал ҳолда бажариш мақсад қилинади. Қуръонда бунга жуда катта аҳамият берилган. Дуо билан боғлиқ оятларда қайта-қайта «Унга динни холис қилган ҳолда дуо қилинг» каломи зикр этилган.

«Сен «Роббим адолатга амр қилади. Ҳар бир ибодатхонада юзингизни тўғри тутинг. Унинг динига ихлос этган ҳолда дуо қилинг. Сизларни аввал қандай яратган бўлса, ўша ҳолда қайтасизлар», деб айт» (Аъроф, 29-сура).

«Бас, агар кофирлар ёқтирмасалар ҳам, Аллоҳга динни холис қилган ҳолингизда ёлборинг» (Фофир, 14-оят).

«У зот тирикдир. Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Бас, Унга динни холис қилган ҳолда дуо қилинг. Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамдлар бўлсин» (Фофир, 65-оят).

Ушбу оятларда зикр этилган **«Унга динни холис қилган ҳолда дуо қилинг»** каломидан мурод Аллоҳга динни холис тутган ҳолда дуо-ибодат қилиш, Аллоҳга холис бўйсунган ҳолда, шариатга тўла амал қилган ҳолда, иймон-эътиқодга ёлғону риёни аралаштирмай дуо-ибодат қилишга чақиришдир.

Дин фақат Аллоҳникидир. Ибодатлар ҳам фақат Унинг розилигини кўзлаб қилинади. Дуо-ибодатларини бошқаларга кўрсатиш учун қилганлар ҳақида шундай дейилган:

«Бир «намозхонлар»га вайл бўлсинки. Улар намозларини унутувчилардир. Ундоқ кишилар риё қиладиганлардир» (Мааъун, 4-6-оятлар).

“Қуръони каримга кўра дуо” китобидан